

РОССИЯ МУЗЕЙЛАРИДА БУХОРО ЛИБОСЛАРИ КОЛЛЕКЦИЯЛАРИ

Бухоро давлат музей-қўриқхонаси Катта илмий ходими

H. Султонова

Аннотация: Тарихимиз ва бетакрор маданиятимиз хазинасини ўзида сақловчи илмий-маърифий муассаса – музейдир. У тарихий, моддий ва маънавий ёдгорликларни тўплаш, сақлаш, ўрганиш ва тарғиб қилиш каби функцияларни бажаради. Мақолада Россия музей фондларида тўпланган ва сақлаб келинаётган Бухоро лиbosлари ва уларнинг тарихни ўрганишдаги аҳамияти ёритилган.

Калит сўзлар: музей, фонд, либос, илмий йиғув, китоб-альбом.

Музейлар-бой тарихимиз ва бетакрор маданиятимиз хазинасини ўзида сақлаб, тарихий, моддий ва маънавий ёдгорликларни тўплаш, сақлаш, ўрганиш, ва ташвиқ қилиш ишларини бажарувчи илмий-маърифий муассасадир. Қадимий цивилизация бешикларидан бири бўлган юртимизнинг ҳар бир гўшаси ўзига хос тарихга эга. Ватанимиз ўтмишига оид тарихий, моддий ва маънавий ёдгорликларни тўплаш, сақлаш, ўрганиш ва тарғиб қилишда музейларнинг ўрни бекиёс. Ўзбекистон Республикасида тарихий қадриятларга бўлган хурмат ва эътибор кучайган даврда мамлакатда тарихни ўрганиш ва уларни келажак авлодларга етказишда музейлар муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистонда музейларга эътибор мустақиллик даврида давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўгрисида"ги фармони"¹, " 2017 йил 19 майдаги ПҚ-2980-сонли "2017-2019 йилларда Бухоро шахри ва Бухоро вилоятининг туризм салоҳиятини жадал

¹ Strategy.regulation.gov.uz

ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори музейлар тизимида катта ўзгаришлар ясаш, янгиларини ривожлантиришда муҳим асос бўлиб хизмат қилди.

Ўзбекистон маданий меросини сақлаш ва келгуси авлодга етказиш мақсадида Ўзбекистон ҳамда жаҳон музейлари тўпламлари каталог, китоб-альбом кўринишида нашр қилинмоқда. Тарихий-маданий меросни ўрганиш ва тарғибот қилишда 1995 йилдан бошлаб Ўзбекистон тарихий шаҳарлар ва атоқли шахсларга бағишлиган турқумлар нашр қилинди. 2010 йилдан Ўзбекистон обидаларидаги битиклар туркуми, ҳамда кейинги йиллардаги Ўзбекистоннинг маданий мероси жаҳон тўпламларида лойиҳаси ўз кўлами бўйича бекиёс ўринга эга. Лойиҳаларни амалга оширишда жиддий тадқиқот ишлари олиб борилиб, ўзбек халқи маданий-тарихий меросини бой ва ноёб эканлиги кўрсатиб берилди. Ушбу лойиҳаларга кўра Ўзбекистоннинг маданий мероси мавжуд бўлган ҳар бир музейга алоҳида китоб-альбом бағишлиган. Бу эса музей ашёлари, қолаверса она заминимизнинг қўп асрлик тарихи, истеъдодли олим, уста ва рассомларнинг ижод маҳсулларини китобхонларга тақдим этиш учун дастурул амал бўлиб хизмат қиласди.

Китоб-альбом кўринишида нашр қилинаётган тўпламлар ичida нафақат Ўзбекистон музейлари, балки дунёning турли музейлари ҳамда шахсий коллекцияларида сақланаётган дурдоналардан иборат китоблар ҳам мавжуд.

Узоқ Шарқдан тортиб Шимолий Африкагача Осиё халқлари маданияти ва санъатини ўрганиш ва оммалаштиришни мақсад қилиб олган Шарқ Давлат Музейи салкам 100 йиллик тарихга эга. Шарқ давлат музейи (ШДМ)даги XIX – XX асрларга оид йирик безакли кашталарнинг коллекциясида 270 га яқин ашёлар бўлиб, уларнинг турли ерлардан олиб келинганлиги, ранг-баранглиги ва икки тарихий даврга оидлиги сабабли Россия ҳудудидаги энг нуфузли коллекциялардан бири саналади. ШДМ тўпламида Ўрта Осиёга оид дастлабки кашталар намуналари 1918–1919 йилларда, яъни музей вужудга келишининг илк босқичларида пайдо бўлган. Бу даврда бир нечта сўзана Тверской кўчасидаги Н.Петровсунинг ноёб буюмлар дўконидан келтирилган.

Тўпламнинг шаклланишида Ўрта Осиёга уюштирилган илмий харид экспедициялари, бир қатор шахсларнинг совғалари ҳам муҳим рол ўйнаган. Айниқса, 1993 йилда сўнгги харид экспедицияси ташкил этилган вақтда бўлимнинг илмий ходимлари М.Б.Мясина, Н.П.Некрасова, М.М.Бронштейн ва Е.С.Ермаковалар музей коллекциясини Бухоро, Самарқанд ва Фарғонадан келтирилган бадиий кашта асарлари билан тўлдирганлар. Музейга ҳадя этилган санъат асарларини эса алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Ҳадя этувчилар орасида ажойиб олим ва этнограф О.А.Сухарева ҳам бўлиб, унинг қизи Е.Р.Акбалъян онаси номидан ШДМга 2010 йилда музей фондига ажойиб чойшаб тақдим қилган. Музей коллекциясидаги абрли матолар 50 тани ташкил этиб, улардан 20 таси XIX аср охири XX аср бошларига мансуб. Коллекциядан 70 та эркак ва аёлларнинг чопонлари намуналари, 200 га яқин бош кийимлар, пешонабанndlар ва бошқалар ўрин олган. Шундан, Бухоро зодагонининг қимматбаҳо чопони, аёлларнинг бир неча духоба чопонлари, Бухоро адресидан тикилган байрамона болалар чопонини кўриш мумукин. Музей тўпламида 270 дан ортиқ сўзаналар мавжуд бўлиб, унинг катта қисмини Бухоро воҳасига мансуб бадиий каштачилик асарлари ташкил этади. Либосларни безаб турган заргарлик буюмларининг каттагина қисми музейда сақлансада айнан Бухоро воҳаси безаклари тўплами тўлиқ эмас².

Бухоро либослари коллекциясини ўз бағрида сақлаётган яна бир музей бу-Россиянинг Давлат тарихи музейидир. Музей 1872 йилда Россия миллий музейи сифатида ташкил этилган бўлиб, ҳозирги кунгача Россиянинг бутун тарихи, унинг маданий меросини ўзида сақлаган йирик музейлардан бири ҳисобланади. Музей кўргазмаларининг каттагина қисмини этнографик ва тарихий ашёлар ташкил этади. Тарих музейи залларида Ўзбекистон тарихи ва маданиятига оид ашёлар илк бор 1891 йилда, Ўрта Осиё кенг камровли кўргазмаси очилган вақтда намойишга қўйилган. Кўргазма музейнинг 20 та залига жойлаштирилиб, 1891 йилнинг 11 майидан 18 ноябрига қадар давом этган, кўргазмада иштирок этган кишиларнинг

² Шарқ давлат музей тўплами. Китоб-альбом. Тошкент. “Uzbekistan today”, “Zamon press info”. 2017.

сўзларига кўра, у «ўзида Ўрта Осиёнинг гўзал парчасини намоён килган». Кўргазмадаги Бухоро гиламлари меҳмонларда алоҳида таассурот колдирган. Музей ходимлари томонидан 1950 йилдан бошлаб Ўрта Осиёга тарихий-маиший, мажмуавий экспедициялар уюширилган. Экспедиция жараёнида Бухоронинг бир қатор қишлоқларида ҳам фаолият олиб борилган. Уларнинг асосий вазифаси аҳоли ижтимоий ҳаёти ва тарихини акс этувчи ашёларни тўплаш ва харид қилиш бўлган. З йиллик фаолият давомида 550 та буюм жамланиб, улар ичида кашталар, ўзбек либослари намуналари ҳам бор. Музейнинг газлама тўпламлари хилма-хил бўлиб, таркибида 300 мингдан ортиқ ипак, зифир, пахтали гулдор матолар мавжуд. Қолаверса музейда тўқимачилик дастгоҳлари ва ёзма манбалар бўлимида XIX аср ўрталарида чоп этилган тикувчи ва гул босувчиларнинг иш фаолиятлари тўғрисидаги низом мавжуд. 1951 йилда музей фондига келтирилган сўзана Бухоро воҳасига мансуб бўлиб, музейнинг кирим китобига ашё Бухоронинг Фиждуон туманидан сотиб олингани ва ашё эгасининг ушбу сўзанани XIX асрнинг 80-йилларига тегишли эканлиги ҳақида маълумот бергани қайд этилган.

Экспедицияда эркак ва аёлларнинг анъанавий либослари ҳам тупланган. Коллекцияда жамиятнинг ҳар хил қатламларига оид кишиларнинг кийим-кечаклари ўрин олган. Бухоро аҳолисининг кимхоб туни дехконларнинг кундалик кийимлари билан ёнма-ён туради. Тўпламдан ўрин олган кийимларнинг умумий сони 98 тани ташкил киласди. Ранг-баранг гиламкашта ва зардузи пилта услубида тикилган, кора асосга ок нафис кашта билан тикилган дўппиларнинг ҳам катта тўплами мавжуд. Эркакларнинг чорсилари ва кўлда ишланган ковушлар ҳам алоҳида аҳамият касб этади. XX аср ўрталарида истеъмолдан чиққан қадимий кўринишдаги кийимлар катта тарихий ва маданий аҳамиятга эга. Бухоро вилоятининг Ойтугди кишлоғидан олинган мурсак ҳам шулар жумласига киради³. Ушбу кийим нақшли маҳаллий ок ипак матодан тикилган бўлиб, унга рангли ипак

³ Ўзбекистон маданий мероси Москва музейларида. Китоб-альбом. “Uzbekistan today”, “Zamon press info”. 2017. Б-195.

ва зардузи иплар билан кашта тикилган. Чиройли, мовий ва кизил туслар билан товланиб турадиган матога майда геометрик ва ўсимлик унсурлари туширилган. Нақшда анор ва бодомнинг мевалари акс этган. Бодом ёмон кўздан асровчи, анор эса ҳосилдорлик белгиси ҳисобланган. Мурсак андазаси оркаси текис халатнинг мураккаблашган кўринишидир. Астари русча алвон читдан тикилган. Музейга 1951 йил Бухородан харид қилинган тўй либоси мавжуд бўлиб, бу либос ташки кўринишидан зодагон оила вакилининг либосилиги, унинг етти қават устма – уст кийилган тўплами ва ундан фойдаланилган матосидан кўриниб туради.

Россия этнография музейи ўз фаолиятини кичик бир этнографик бўлим сифатида бошлаган бўлиб 1902 йилданг шу кунга қадар дунёнинг кўпгина минтақаларидан ашёларни ўз бағрига жамлаб келмоқда. Бир асрдан кўпроқ фаолият мобайнида музей фонди халқларнинг ўтмиш тарихини экспозицияларда намойиш этмоқда. Музей илмий йигув ишлари дастлаб Марказий Осиёга қаратилган бўлиб, экспедиция давомида Ўзбекистоннинг кўпгина вилоятлари, жумладан, Бухородан ҳам турли касб-хунарга оид ашёлар, кийим-бош ва тақинчоқлар, уй-рўзғор буюмлари тўпланган. Экспедицияга раҳбарлик қилган Самуил Мартинович Дудин ўзи билан олиб кетолмаган ашёларни фотосуратларини ҳам олган. Бу ҳақда Дудин ўзининг эсадаликларида ёзиб, Бухоро аҳолиси либосларини тарифлаб ўтади. Айниқса, эраклар либослари, уларнинг матолари ва зодагон тожиклар либосларини алоҳида таъкидлаб ёzádi. Бухоро аёллар либослари деганда мен фақат паранжи ёпинчиғи ва чашмбандни кўрдим-деб изоҳлайди⁴. Музей фондига 1920 йилда ўзбек коллекциялари Петербург ва унинг яқин ҳудудлардаги шахсий коллекциялардан келтирилган. Улар орасида Бухоро амирларининг Александр III ва Николай II ҳамда уларнинг оила аъзоларига юборилган ҳадялар, жумладан, ипак чопонлар, маҳаллий матолар, заргарлик буюмлари, қимматбаҳо тошлар билан безалган қуроллар катта аҳамият касб этган. Бухоронинг энг моҳир ҳунармандлари томонидан тайёрланган бу буюмлар

⁴ Дудин С.М. Отчет С.М.Дудина о пездках в Среднюю Азию в 1900-1902 гг. Москва. 2021. С-147

маҳаллий бадиий санъатнинг юксак анъаналарини ўзида намоён этиб келмоқда. Музейда Ўзбекистонга оид ашёлар сони ҳозирда 3 минг тадан ортиқ бўлиб, улар орасида 1867 йил намойиш қилинган эркак ва аёлнинг 2 та ўзбекча тўни алоҳида қийматга эга. 1872 йилдан бошлаб музей фондидаги ўзбекларнинг маҳаллий гурухлари артефактлари қаторини бойитишга алоҳида аҳамият берилган. Ҳозирда бу фонд таркибида Бухоро яҳудийлари либослари ҳам ўрин олган⁵.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Шарқ давлат музей тўплами. Китоб-альбом. Тошкент. “Uzbekistan today”, “Zamon press info”. 2017
2. Ўзбекистон маданий мероси Москва музейларида. Китоб-альбом. “Uzbekistan today”, “Zamon press info”. 2017. Б-195
3. Дудин С.М. Отчет С.М.Дудина о пездках в Среднюю Азию в 1900-1902 гг. Москва. 2021. С-147
4. Россия этнография музей тўплами. Китоб-альбом. “Uzbekistan today”, “Zamon press info”. 2017

⁵ Россия этнография музей тўплами. Китоб-альбом. “Uzbekistan today”, “Zamon press info”. 2017.